

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ РАҲБАР ВА МУТАХАССИС
ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.28/30.12.2019.Ped.68.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗ**

ОТАМУРОДОВ ҒОЛИБЖОН РЎЗИМУРОДОВИЧ

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РАҲБАР КАДРЛАРИ
БОШҚАРУВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ИНТЕГРАЛЛАШГАН АХБОРОТ-МЕТОДИК ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.07 – Таълимда менежмент

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Отамуродов Голибжон Рўзимуродович

Олий таълим муассасалари раҳбар кадрлари бошқарув
компетентлигини ривожлантиришнинг интеграллашган ахборот-
методик тизимини такомиллаштириш..... 3

Отамурадов Голибжон Рuzимуродович

Усовершенствование интегрированной информационно-методической
системы развития управленческой компетентности руководителей
высших образовательных учреждений..... 23

Otamurodov Golibjon Ruzimurodovich

Improving the integrated information and methodological system for the
development of managerial competence of heads of higher educational
institutions..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ 47
List of published works.....

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ РАҲБАР ВА МУТАХАССИС
ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.28/30.12.2019.Ped.68.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗ**

ОТАМУРОДОВ ҒОЛИБЖОН РЎЗИМУРОДОВИЧ

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РАҲБАР КАДРЛАРИ
БОШҚАРУВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ИНТЕГРАЛЛАШГАН АХБОРОТ-МЕТОДИК ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.07 – Таълимда менежмент

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.PhD/Ped863
рақам билан рўйхатга олинган**

Диссертация Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий-кенгаш веб-саҳифасида (www.avloniy.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Закирова Феруза Махмудовна педагогика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Шарипова Дилара Джуманиязова педагогика фанлари доктори, профессор Химматалиев Дустназар Омонович педагогика фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc.28/30.12.2019.Ped.68.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 6-уй. Тел.: (99871) 227-12-52; факс: (99871) 246-06-69; Web-site:www.avloniy.uz; e-mail: avloniy@xtv.uz.)

Диссертация билан Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 6-уй. Тел.: (99871) 227-12-52; факс: (99871) 246-06-69.)

Диссертация автореферати 2020 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.Х.Раҳманкулова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Ф.Э.Каримов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, с.ф.ф.д., (PhD), доцент

Э.Р.Юзликаева
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, п.ф.д., профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ижтимоий ва таълимий соҳанинг инновацион ривожланиши креатив фикрловчи, лидерлик салоҳиятига эга бошқарув кадрларига бўлган эҳтиёжни янада кучайтирди. Бу борада Бирлашган Миллатлар ташкилоти Бош Ассамблеясининг 70 йиллик юбилей сессиясида қабул қилинган “2030 йилларда Барқарор ривожланиш мақсадлари (SDGs)”¹ да таълимнинг барча бўғинларида кадрлар компетентлиги ривожлантиришнинг синергетик эффектини таъминлаш, касбий қизиқишлар ва эҳтиёжларга йўналтирилган таълим дастурларини шакллантириш долзарб вазифа этиб белгиланди.

Дунё миқёсида бошқарув кадрларини тайёрлаш ва малакасини оширишнинг инновацион моделларини ишлаб чиқиш, амалиётга жорий этиш, таълим менежерларини лидерлик ва бошқарувчилик компетенцияларини ривожлантиришга оид илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Европа университетларининг Ассоциацияси (EUA), олий таълим сифатини таъминлаш Европа тармоғи (EQA) каби ташкилотларида кадрлар компетенциясини ривожлантириш инфратузилмасини такомиллаштириш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситасида раҳбар кадрлар компетентлигини ривожлантириш ва баҳолашнинг интеграллашган платформаларини яратиш, малака ошириш тизимида раҳбарлар бошқарув компетентлигини ривожлантиришнинг амалий кўникмаларга йўналтирилган дастурлари мазмуни, шакл, метод ва воситаларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда олий таълим муассасалари раҳбар кадрларининг бошқарув маҳорати ва лидерлик салоҳиятини ривожлантириш таълим сифатини ошириш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади. “Олий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва педагогларнинг илмий-инновацион фаолиятини ривожлантириш бўйича ишларни мазмунли ва мақсадли ташкил этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш” бўйича устувор вазифалар белгиланган². Мазкур вазифалар ижроси олий таълим сифатини таъминлашда узлуксиз малака ошириш жараёнини амалга ошириш, раҳбар кадрлар бошқарув компетентлигини ривожлантиришнинг интеграллашган ахборот-методик таъминотини инновацион ёндашувлар асосида такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармони, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

¹Open Working Group proposal for Sustainable Development Goals <https://sustainabledevelopment.un.org/focussdgs.html>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2019 й., 06/19/5847/3887-сон.

ПҚ-2909-сонли қарори, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон Фармони, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Юртимиз олимларидан таълим менежменти, олий таълим тизимида стратегик ва функционал менежментни интеграциялаш, раҳбар ва педагог кадрларининг касбий ва бошқарув компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш, шунингдек, касбий фаолиятга тайёрлашнинг технологик аспекти билан боғлиқ илмий изланишлар Р.Джураев³, А.Мусурмонова, А.Магруппов⁴, Ш.Пахрутдинов, Б.Ходжаев, М.Юлдашев, М.Мирсолиева⁵ ҳамда Я.Исмадияровларнинг ишларида тадқиқ этилган бўлса, таълим жараёнларини ахборотлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари асосида таълим сифатини ошириш, малака ошириш жараёнларининг мониторинг механизмларини такомиллаштириш билан боғлиқ тадқиқотлар У.Бегимкулов, Н.Муслимов, Ф.Закирова, Ш.Шарипов, Қ.Олимов, Т.Шоймардонов ва бошқа олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидан Т.Базаров, И.Зимняя, Э.Зеер, Е.Кудрявцева, А.Маркова А.Деркач ва бошқа олимлар томонидан бошқарув менежменти, касбий компетентликни ривожлантиришнинг педагогик-психологик жиҳатлари, методологик тамойиллари борасида тадқиқотлар амалга оширилган.

Хорижлик R.Boyatzis, D.Bartram, J.Rawen, W.Hutmacher ва бошқа олимлар томонидан таълим сифатини назорат қилиш, таълим тизимида ахборот-таълим муҳитини шакллантириш тадқиқот ишлари ўрганилган.

Мавжуд назарий манбаларда малака ошириш тизимида олий таълим муассасалари раҳбар кадрларининг бошқарув компетентлигини ривожлантирувчи механизмлар интеграциялашган ахборот-методик таъминотни такомиллаштириш нуқтаи-назаридан тўлиқ тадқиқ

³ Джўраев Р.Х. Организационно-педагогические основы интенсификации системы профессиональной подготовке в учебных заведениях профессионального образования. Автореф. дисс...док. пед. наук. - Т.:1995. - 43 с.

⁴ Магруппов А.М. Олий таълим тизимида стратегик ва функционал менежментни интеграциялаш механизмларини такомиллаштириш: Пед.фан. док. (DcS). ... дисс. автореф. -Т.: 2017. 31 б.

⁵ Мирсолиева М. Т. Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг касбий компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш. Пед.фан. док. (DcS). ... дисс. автореф. -Т.: 2019. 44 б.

этилмаганлиги ва таълим менежентида монографик асосида педагогик муаммо сифатида ўрганилмаганлигини кўрсатмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти ОЎМТВ ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ илмий-тадқиқот ишлари режасининг ЁА 5-5 “Ўқув жараёнига мослашувчи Web-тизимини яратиш” (2016-2017 йй) ҳамда 561624-ЕРР-1-2015-1-УК-ЕРРКА2-СВНЕ-SP: ІМЕР: “Интернационализация и модернизация образования и процессов в высшем образовании Узбекистана” (2015-2017 йй) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади олий таълим муассасалари раҳбар кадрлари бошқарув компетентлигини қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимининг интеграллашган ахборот-методик тизими асосида ривожлантириш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

таълимни ахборотлаштириш шароитида раҳбар кадрлар бошқарув компетентлигини ривожлантиришнинг назарий-методик асослари ва ахборот-методик таъминотини таҳлил этиш;

раҳбар кадрлар бошқарув компетентлигини ривожлантиришнинг интеграллашган ахборот-методик тизимини тузилмаси ва мазмунини такомиллаштириш ҳамда ташкилий шарт-шароитларини аниқлаш;

раҳбар кадрлар бошқарув компетентлигини ривожланганлик даражасини баҳолашнинг квалитетик индикаторларини аниқлаш;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида раҳбар кадрлар бошқарув компетентлигини ривожлантиришига қаратилган виртуал таълим муҳити, онлайн ва медиаишланмаларга асосланган электрон ахборот-методик ресурсларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида олий таълим муассасалари раҳбар кадрлари бошқарув компетентлигини қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизими мисолида ривожлантириш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети олий таълим муассасалари раҳбар кадрлари, жумладан, деканларни бошқарув компетентлигини қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида ривожлантиришнинг интеграллашган ахборот-методик тизими тузилмаси, мазмуни ва ташкилий шарт-шароитлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида турли соҳа олимларининг мавзуга оид илмий-методик тадқиқот ишларини ўрганиш, таҳлил қилиш, педагогик кузатув, семинар-тренинг, электрон сўров ва тест синовлари, моделлаштириш, қиёслаш, тажриба-синов натижаларини умумлаштириш ҳамда математик-статистик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

раҳбар кадрлар бошқарув компетентлигини ривожлантиришнинг интеграллашган ахборот-методик тизими соҳавий қизиқишлари бўйича ўқув-методик, ижтимоий-маърифий ва илмий-инновацион интернет бирлашмаларини киритиш орқали такомиллаштирилган;

раҳбар кадрларни бошқарув компетентлигини ривожланганлигини баҳолаш тизими бошқарув-технологик (hard skills) ва ижтимоий-мотивли (soft skills) компетенцияларни аниқлаш ҳамда квалиметрик мезонлар (узлуксизлик, натижавийлик, инновацион фаоллик)га асосланган даражали баҳолаш компонентини белгилаш асосида ишлаб чиқилган;

раҳбар кадрлар бошқарув компетентлигини ривожлантиришнинг механизмлари узвийлик ва натижавийликка асосланган индивидуал малака ошириш траекторияларини амалга ошириш имкониятини яратувчи муқобил ва табақалаштирилган вариатив дастурларини киритиш орқали такомиллаштирилган;

раҳбар кадрларни бошқарув компетентлигини ривожлантиришига қаратилган интеграллашган электрон портфолионинг ташкилий-педагогик имкониятлари бошқарув фаолиятининг узлуксиз мониторинг натижаларига асосланган статистик ташхис, стратегик режалаштириш ва илмий ҳамкорликларни таъминлаш хизматларини киритиш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларда ўз аксини топган:

олий таълим муассасалари раҳбар кадрларининг бошқарув компетентлигини мазмун-моҳияти, раҳбар кадрлар бошқарув компетентлигининг таркибий тузилмасини аниқлаштириш асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизими сифатига қўйиладиган малака талаблари ишлаб чиқилган;

олий таълим муассасалари раҳбар кадрларини малакасини ошириш курслари ўқув режасидаги “Таълим жараёнига ахборот-коммуникация технологиялари қўллаш” модулининг мазмуни соҳавий қизиқишлари бўйича ўқув-методик, ижтимоий-маърифий ва илмий-инновацион интернет бирлашмаларини киритиш асосида бойитилган ҳамда раҳбар кадрларнинг бошқарув компетентлигини узлуксиз ривожлантиришга қаратилган media.bimm.uz портали интерактив технологияларга асосланган электрон таълим ресурслари билан такомиллаштирилган;

таълим менежменти бўйича раҳбар кадрларнинг бошқарув-технологик (hard skills) ва ижтимоий-мотивли (soft skills) компетенциялари ҳамда квалиметрик мезонлари асосида олий таълим муассасалари раҳбар кадрлари учун Британия Кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Лондон Метрополитан университети (Буюк Британия) билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган “Таълим тизими менежменти” “Таълим сифати менежменти” йўналишидаги малака ошириш курсларининг таълим дастурлари мазмуни янгиланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашувлар ва усуллар илмий-методик асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида аниқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий

этилганлиги ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти малака ошириш жараёнида олий таълим муассасалари раҳбар кадрлари бошқарув компетентлигини ривожлантиришнинг интеграциялашган ахборот-методик тизимини такомиллаштириш моделининг илмий асосланганлиги, бошқарув компетентлигини ривожлантиришнинг интеграллашган ахборот-методик тизими соҳавий қизиқишлари бўйича ўқув-методик, ижтимоий-маърифий ва илмий-инновацион технологияларига асосланган интернет бирлашмасини киритиш асосида такомиллаштирилганлиги, раҳбар кадрлар бошқарув компетентлигининг боҳолаш мезонлари ҳамда вариатив дастурлар мазмунини интеграллашган дидактик тизим асосида илмий-назарий бойитилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти олий таълим муассасалари раҳбар кадрларини малака ошириш жараёнида бошқарув компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган механизмлари узвийлик ва натижавийликка асосланган индивидуал малака ошириш траекторияларини амалга ошириш имкониятини берувчи муқобил ва табақалаштирилган вариатив дастурларни киритилганлиги, интеграллашган электрон ахборот-методик ресурслари, улардан фойдаланиш методикаси “Таълим тизими менежменти” “Таълим сифати менежменти” курсининг ўқув-услубий таъминотини такомиллаштирилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олий таълим муассасалари раҳбар кадрлари бошқарув компетентлигини ривожлантиришнинг интеграллашган ахборот-методик тизимини такомиллаштиришга оид тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

олий таълим муассасалари раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида бошқарув фаолият натижалари диагностикасига асосланган муқобил ва табақалаштирилган малака оширишнинг вариатив дастурлари билан боғлиқ таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сон Қарори 1-илоvasи билан тасдиқланган “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш жараёнларини ташкил этиш тартиби тўғрисида низом”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 30 октябрдаги 89-03-4201-сон маълумотномаси). Натижада, малака оширишнинг бевосита ҳамда мустақил фаолият натижаларига алоқадор билвосита шакллари кўллаш орқали вариатив дастурларни татбиқ этилишига эришилди;

раҳбар кадрларни бошқарувда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш компетентлигини ривожланганлигини

баҳолашнинг квалиметрик мезонлари ҳамда бошқарув-технологик (hard skills) ва ижтимоий-мотивли (soft skills) даражалари билан боғлиқ таклифлар олий таълим муассасалари раҳбар кадрларини малакасини ошириш мазмуни ва сифатига қўйиладиган малака талабларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 30 октябрдаги 89-03-4201-сон маълумотномаси). Натижада, олий таълим муассасалари раҳбар кадрларини бошқарув компетентлигини ривожлантиришга хизмат қилувчи малака ошириш курсларининг ўқув режа ва дастурлари мазмуни такомиллаштирилган;

раҳбар кадрлар бошқарув компетентлигини ривожлантиришнинг интеграллашган ахборот-методик тизимини ўқув-методик, ижтимоий-маърифий ва илмий-инновацион интернет бирлашмасини киритиш асосида такомиллаштириш бўйича тавсиялар ЁА 5-5. “Ўқув жараёнига мослашувчи Web-тизимини яратиш” номли (2016-2017) лойиҳа мазмунига киритилган ва амалиётга жорий этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 30 октябрдаги 89-03-4201-сон маълумотномаси). Натижада, олий таълим муассасалари раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларининг ягона интеграциялашган электрон платформаси яратилган;

раҳбар кадрларни бошқарув компетентлигини ривожлантиришига қаратилган интеграллашган электрон портфолионинг ташкилий-педагогик имкониятлари бошқарув фаолиятининг узлуксиз мониторинг натижаларига асосланган хизматларни киритишга оид таклифлар олий таълим муассасалари раҳбар кадрларининг “Таълим сифати менежменти”, “Таълим тизими менежменти” малака ошириш курслари мазмуни ҳамда ахборот-методик таъминотини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 30 октябрдаги 89-03-4201-сон маълумотномаси). Натижада, раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларига бошқарув фаолияти натижаларига асосланган статистик ташхис, стратегик режалаштириш ва илмий ҳамкорликни таъминлаш хизматларини киритиш имкони юзага келган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та ҳалқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 та республика ва 2 та хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ва иловалардан иборат бўлиб, 135 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “**Кириш**” қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети аниқланган, ишнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ҳамда амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар, шунингдек диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Олий таълим муассасалари раҳбар кадрлари бошқарув компетентлигини ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари**” деб номланган биринчи бобида таълимни ахборотлаштириш шароитида раҳбар кадрлар бошқарув компетентлигини ривожлантиришнинг назарий-методик асослари, олий таълим муассасалари раҳбар кадрлари бошқарув компетентлигини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда малака ошириш жараёнида олий таълим муассасалари раҳбар кадрлари бошқарув компетентлигини ривожлантиришнинг ахборот-методик тизимлари таҳлили ёритилган.

Таълимдаги интеграллашув жараёнларида олий таълим сифатини ошириш ва малакали кадрлар тайёрлашнинг инновацион тизимини шакллантиришдаги энг таъсирчан ва самарали механизмларидан бири бу раҳбар кадрларнинг бошқарув компетентлигини ривожлантириш ҳисобланади. Шу боис олий таълим тизимини модернизациялаш шароитида раҳбар кадрларнинг бошқарув компетентлигини ривожлантириш долзарб масаласидир.

Юртимиз олимлари Н.Муслимов, Я.Исмадияров, М.Мирсолиева ва бошқалар ҳамда хорижий мамлакатлар олимларидан Л.Г.Киселева, В.И.Маслов, Т.Базаров ва бошқа олимларнинг илмий ишлари таҳлили асосида, раҳбар кадрларнинг бошқарув компетентлигини қуйидагича таърифладик: бошқарув компетентлиги – бошқарув фаолиятидаги вазиятларда учрайдиган муаммо ва вазифаларнинг самарали ечимини таъминлайдиган усуллар, замонавий бошқарув, қарор қабул қилиш технологиялари, бошқарув коммуникативлик самарадорлигини ташкил эта олиш ва такомиллаштириш, жамоада инновацион муҳитни яратиш, бошқарув вазиятларига мос ҳолда самарали ва замонавий услубларни қўллаш олиш, ҳамкорлар билан музокаралар олиб бориш, вақт менежменти, бошқарувда назоратни такомиллаштириш билан боғлиқ билим, кўникма ва тажриба йиғиндисидир. Демак, таълим муассасалари раҳбари амалга оширадиган вазифаларни қамрови ва даражасини инобатга олсак, бу бевосита раҳбар кадрларнинг бошқарув фаолияти доирасида амалга ошириладиган вазифаларни сифатли бажариш қобилияти ҳисобланади. Раҳбар кадрларнинг бошқарув компетентлиги ижтимоий-ҳуқуқий, инновацион, бошқарувда АКТдан фойдаланиш, коммуникатив, қарорлар қабул қилиш ва менежмент каби компетенциялардан таркиб топган.

Тадқиқотимиз давомида олий таълим муассасалари раҳбар кадрларининг бошқарув компетентлигини ривожлантириш муаммоси деканлар фаолияти мисолида тадқиқ этилди.

Декан – факультетдаги ўқув-тарбия, илмий-тадқиқот жараёнлари, иш юритиш тизимини мувофиқлаштириш асосида талабалар ва профессор-ўқитувчилар фаолиятини бошқариш, менежерлик вазифасини бажаради. Факультет фаолиятини бошқаришда деканнинг бошқарув тайёргарлиги мазмуни ва компетентлик даражасига қўйиладиган талабларни қуйидагича белгилаш мумкин бўлди:

Ижтимоий-ҳуқуқий соҳада – таълим тўғрисидаги норматив-меъёрий ҳужжатлар, локал меъёрий ҳужжатлар (ДТС, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлар ва бошқ...) мазмуни ва моҳиятини билиш, улардан факультетдаги таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этишда фойдалана олиш, қонунчилик ташаббускорлиги;

Инновацион компетенцияси – бошқарув ва таълим-тарбия жараёни самарадорлигини оширишга доир янги ғояларни илгари суриш, уларни амалиётга самарали татбиқ этиш, инновацияларга нисбатан очиклик ва креативлик;

Бошқарувда АКТ фойдаланиш компетенцияси – факультетдаги ўқув-тарбия, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий ва устоз-шогирд тизимидаги ишларини самарали ташкил этиш, шунингдек, профессор-ўқитувчилар ва талабалар фаолиятини назорат қилиш ва таълим сифати мониторингини олиб боришда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;

Қарорлар қабул қилиш компетенцияси - бошқарув фаолиятини тизимли таҳлил этиш, тактик ва стратегик қарорлар қабул қилиш, бошқарув қарорларини қабул қилишда креативлик ва шахсга йўналганлик;

Менежерлик компетенцияси – таълимда менежерлик фаолиятини ташкил этиш, бошқарув компетенцияларининг шакллланганлиги, креативлик ва инновацион фаоллик, жамоани шакллантириш ва аниқ мақсад асосида ривожлантириш; таълим сифати ва инновацион менежмент, иқтидорли талабалар ва битирувчилар билан ишлаш, таълим хизматларини диверсификациялаш, факультетнинг илмий-тадқиқот, ўқув-услубий фаолиятини ривожлантиришнинг фортсайт стратегияларини белгилашга оид махсус билим ва компетенциялар.

Олий таълим муассасалари раҳбар кадрларининг бошқарув компетентлигини ривожлантириш назарияси ва амалиёти борасидаги У.Бегимқулов, Т.Шоймардонов ва бошқа олимлар тадқиқотлари таҳлили шунини кўрсатмоқдаки, таълимни ахборотлаштириш шароитида бошқарув компетентлигини ривожлантириш замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган ахборот тизимлари билан бевосита боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бу, ўз навбатида, бошқарув компетентлигини ривожлантиришда замонавий ахборот-методик тизимларини электрон ахборот таълим муҳитини яратиш ҳисобига эришиш мумкинлигини

кўрсатади ва бу йўналишда мақсадли изланишлар олиб бориш заруриятини келтириб чиқаради.

Тадқиқот жараёнида олий таълим муассасалари раҳбар кадрларини малакасини ошириш жараёнларини такомиллаштириш, интеграллашган ахборот-методик таъминотни яратиш, малака ошириш жараёнларининг мониторингини ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик маркази томонидан ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган Интернет тармоғидаги www.bimm.uz портали ҳам таҳлил этилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ахборот-таълим портали Бош илмий-методик марказ, олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муассасаларининг ўзаро алоқасини таъминловчи, турли ахборот ресурсларига кириш имкониятини берувчи, ахборот ва замонавий таълим технологияларини ривожлантирувчи сифатида ахборот-таълим шароитларининг очиқ портали бўлиб, ушбу порталнинг бир қисми сифатида интеграллашган ахборот-таълим тизими ҳисобланади. Унда малака ошириш курсларидаги ўқув жараёни фаолиятини мониторингини олиб бориш, ўқув жараёнларига тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, ўқув режа ва дастурлар, ўқув-услубий мажмуалар ва бошқа ўқув материалларини мужассамлаштирган электрон кутубхона, масофавий малака ошириш курсларини ташкил этиш LMS платформаси, тингловчиларни ўзлаштириш кўрсаткичларини қайд этиб боровчи электрон портфолио ҳамда медиа-вебинар тизимларидан ташкил топган.

Эмпирик ўрганишлар давомида электрон портфолио тизимининг интегратив характерга эга эмаслиги; деканларнинг нафақат малака ошириш даврида балки, олий таълим муассасаларидаги бошқарув фаолият натижалари, рейтинги ва мустақил ўзини-ўзи ривожланиш натижаларини тўлақонли ўзида акс эттирмаслиги; малака ошириш курслари мазмунида бошқарувда ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш билан боғлиқ маълумотлар етарлича эмаслиги аниқланди.

Бу эса, ўз навбатида, олий таълим муассасалари деканларининг малака ошириш курсларида интеграллашган электрон-ахборот таълим муҳитини ривожлантириш, уларда бошқарув компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган интеграллашган ахборот-методик тизимини такомиллаштириш, бунда электрон портфолио тизими вариатив траекторияларини, медиатаълим воситаларига асосланган инновацион ўқитиш тизимларини (smart media - Facebook, Twitter, Flickr, Youtube ва бошқ)ни амалиётга кенг жорий этиш заруратини юзага келтиради.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Малака ошириш жараёнида раҳбар кадрлар бошқарув компетентлигини ривожлантиришнинг интеграллашган ахборот-методик тизимини такомиллаштириш”** деб номланган бўлиб, унинг мазмунида олий таълим муассасалари раҳбар кадрлари бошқарув компетентлигини ривожлантиришнинг интеграллашган ахборот-методик тизими мазмуни, бошқарув компетентлигини

ривожлантиришнинг интеграллашган ахборот-методик тизимини такомиллаштиришнинг ташкилий шарт-шароитлари, бошқарув компетентлигини ривожланганлик даражасини баҳолашнинг квалитетрик индикаторлари ўз аксини топган.

Сўнгги йилларда инновацион ёндашувлар асосида олий таълим муассасаларининг раҳбар кадрларининг таълим менежменти соҳасидаги билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришга кенг имкониятлар яратилмоқда. Бу борада малака ошириш курслари жараёнига ўқитишнинг замонавий шакл ва технологиялари, жумладан, масофавий таълим, вебинар технологиялари, электрон портфолио ахборот тизимлари жорий этилмоқда. Шу билан бирга, раҳбар кадрлар, хусусан, деканларни малакасини ошириш жараёнига инновацион ёндашувларни жорий этиш ҳамда уларнинг бошқарув компетентлигини узлуксиз ривожлантириш механизмларини яратишни талаб этмоқда. (1-расм).



1-расм. Интеграллашган ахборот-методик тизимининг такомиллашган тузилмаси

Тадқиқот натижаларига кўра, раҳбар кадрлар бошқарув компетентлигини ривожлантиришга хизмат қилувчи интеграциялашган ахборот-методик тизимини такомиллаштиришда унинг тузилмаси замонавий ахборот-коммуникация технологияларни киритиш орқали қайта кўриб чиқилди

Шунингдек, интеграллашган ахборот-методик тизим асосида деканларнинг бошқарув компетентлигини ривожлантириш самарадорлигига таъсир этувчи ўзини ўзи бошқариш, бошқарув мотивацияси, ижодий салоҳиятни рағбатлантириш, ҳамда шахсий имкониятларидан тўлақонли фойдаланишни таъминлайдиган квалитетрик мезонлари ҳамда

компетенцияларнинг ривожланиш даражасини баҳоловчи бошқарув-технологик (hard skills) ва ижтимоий-мотив (soft skills) даражаси аниқланди. Мазкур квалиметрик мезон ва даражаларни киритиш асосида олий таълим муассасалари раҳбар кадрларини малакасини ошириш мазмуни ва сифатига қўйиладиган малака талаблари такомиллаштирилди. Шунингдек, раҳбар кадрлар малакасини ошириш курсларининг “Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш” модули мазмунига интеграциялашган электрон портфолио, виртуал таълим муҳити, синхрон ва асинхрон ўқитиш усул ва воситалари билан боғлиқ мавзулар киритилди.

Интеграллашган ахборот-методик тизимнинг муҳим компоненти сифатида белгиланган интеграциялашган электрон портфолио тизими – бошқарув компетентлигини ривожлантиришда соҳавий виртуал мулоқотни ташкиллаштириш, таълим ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятларини яратилиши билан алоҳида аҳамият касб этади.

Бугунги кунда олий таълим тизимида фаолият кўрсатаётган барча раҳбар ва педагог кадрларни ўзларининг электрон портфолиосига эга бўлиб, уларнинг касбий-бошқарув фаолияти натижаларининг самарадорлиги мониторингини олиб бориш ва баҳолашда мазкур тизим ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Тадқиқотларимиз давомида, Бош илмий-методик маркази портали таркибида “Педагог портфолиоси” дастурий платформаси (<http://pt.bimm.uz/>) модификацияси асосида “Раҳбар портфолиоси”нинг таркибий тузилмалари белгиланди ҳамда уни раҳбар кадрлар бошқарув компетентлигини ривожлантиришдаги имкониятлари аниқлаштирилди ва куйидагича белгиланди (2-расм).



2-расм. Интеграллашган электрон портфолионинг ОТМ раҳбар кадрлари бошқарув компетенцияларини ривожлантиришдаги имкониятлари

Бизнинг фикримизча, интеграллашган электрон портфолионинг жорий этилиши олий таълим муассасаларида самарали бошқарув тизимини шакллантириш, раҳбар ва педагог кадрларнинг мустақил ўзини ўзи касбий ва шахсий ривожлантириш даражасини баҳолаш, статистик таҳлиллар асосида кадрларни касбий-бошқарув компетентлигини ривожлантиришнинг эҳтиёжларга йўналтирилган вариатив дастурлар асосида, шунингдек, табақалаштирилган малака ошириш шакллари белгилаш имкониятини яратади. Шу билан бирга, интеграллашган электрон портфолио кўрсаткичларининг квалитетлик таҳлили олий таълим муассасаси рейтингини аниқлаш, кадрлар менежменти борасидаги бошқарув қарорларини қабул қилиш, раҳбар кадрларнинг, жумладан деканларнинг бошқарув-технологик, ижтимоий-мотивли компетенция даражаларини ривожлантириш, назорат ва мониторингдаги очиқлик ҳамда шаффофликни таъминлашга хизмат қилувчи ташкилий педагогик шарт-шароитларни белгилайди.


Тадқиқот доирасида олиб борилган илмий-амалий изланишлармиз деканларнинг интеграллашган электрон портфолио тизимидаги кўрсаткичлари асосида уларнинг бошқарув компетентлигини ривожлантиришга табақалаштирилган ёндашувни жорий этиш имкониятини яратди. Бунда, мустақил малака ошириш натижаларининг электрон портфолио тизимидаги кўрсаткичлари 20-85 балл оралиғини ташкил этган декан-раҳбар кадрлар – таълим дастурлари асосида тўлиқ малака ошириш курсларида иштирок этиш; 86-100 баллни ташкил этган ҳолда, мазкур раҳбар кадрларга онлайн тест синовларини муваффақиятли топширганда, тўғридан-тўғри битирув(лойиҳа)иши ҳимоясига кириш имкониятига эга бўладилар.

Юқорида келтирилган таҳлилларимиз асосида биз малака ошириш жараёнларида раҳбар кадрлар бошқарув компетентлигини ривожлантиришнинг интеграциялашган ахборот-методик тизимини такомиллаштириш моделини ишлаб чиқдик (3-расм).

Мазкур моделда олий таълим муассасалари раҳбар кадрларининг бошқарув компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган интеграциялашган ахборот-таълим муҳитини таъминлашга хизмат қилиши таълим менежментининг илмийлик, мотивли, вариативлик, интегративлик ва очиқлик ҳамда бошқарувга йўналганлик тамойиллари нуқтаи-назаридан асосланиб, унинг таркибий компонентлари сифатида мақсадли, мазмунли, ташкилий-бошқарув, фаолиятли-жараёнли ҳамда натижавий-баҳолаш компонентлари белгилаб олинди.

Илмий-эмперик таҳлиллар асосида модел мазмуни ва унинг таркибий компонентлари интеграциялашган электрон портфолио тизимини жорий этиш ва унинг бошқарув компетентлиги ва фаолиятини ривожлантиришдаги дидактик имкониятларига устуворлик бериш; раҳбар кадрлар бошқарув

компетентлигини баҳолашнинг квалитетрик индикаторларини белгилаш; бошқарув компетентлигини баҳолашнинг инновацион шакллари (e-self assessment)ни киритиш; мустақил таълим ва вариатив таълим дастурлари асосида малака оширишни ташкил этиш ҳамда бошқарув компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган интеграциялашган ахборот-таълим муҳитини каби муаллифлик ёндашувига асосланган механизмларини киритиш асосида такомиллаштирилди.



3-расм. Раҳбар кадрлар бошқарув компетентлигини ривожлантиришнинг интеграцияланган ахборот-методик тизимини такомиллаштириш модели

Шунингдек, раҳбар кадрлар бошқарув компетентлигини ривожланганлигини баҳолашнинг квалиметрик мезонлари узлуксизлик,

нативийлик, инновацион фаоллик ҳамда бошқарув-технологик (hard skills) ва ижтимоий-мотивли ривожланиш (soft skills) даражаларини белгилаш, уларнинг мазмунини ёритиш асосида аниқлаштирилди. Мазкур кваллиметрик мезонлар ва баҳолаш даражалари олий таълим муассаси рахбар кадрларининг таълим менежменти йўналишидаги умумий фаолият тури, шунингдек деканнинг лавозим вазифаларига таянган ҳолда ишлаб чиқилди. Тадқиқот мобайнида рахбар кадрлар бошқарув компетентлигини ривожланиш даражасининг стратегик-лидерлик, таянч-тактик ва қўйи даражалари ажратилиб, уларнинг мазмуни ва индикаторлар тизими белгиланди.

Диссертациянинг учинчи бобида **“Интеграллашган ахборот-методик тизим асосида олий таълим муассасалари рахбар кадрлари бошқарув компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган тажриба синов ишлари”**нинг таҳлили ёритилган.

Олий таълим муассасалари рахбар кадрлари, жумладан деканлар бошқарув компетентлигини ривожлантиришнинг интеграциялашган ахборот-методик таъминотини такомиллаштириш мақсадида тажриба-синов ишлари ташкил этилди.

Тажриба-синов ишлари қўйидаги босқичларда ўтказилди:

1) асословчи босқич (2016 йил) – тадқиқот учун танланган муаммонинг ижтимоий-педагогик, психологик ва менежмент нуқтаи-назаридан моҳиятини, тўғри англаш ва долзарблик даражасини аниқлаш, унинг концептуал ва мақбул ечимини топиш йўллари ҳамда вазифаларини оқилона белгилаш мақсадида ташкил этилувчи назарий-прогностик таҳлил;

2) ривожлантирувчи босқич (2017-2018 йиллар) – мавжуд манбаларга таянган ҳолда танланган муаммонинг ижобий ечимини самарали ҳал қилиш мақсадида илгари суриладиган назарий ғоялар, илмий фараз асосида махсус дастурни ишлаб чиқишга йўналтирилган амалий фаолият;

